ФЛУАСК

Замбуруғга қарши восита

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА

«ТАСДИҚЛАНГАН»
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг "Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази" ДУК

Мазкур йўриқномани дорини қабул қилишни бошлашдан олдин диққат билан ўқиб чиқишингизни илтимос қиламиз. Унда Сиз учун муҳим маълумотлар мавжуд. Қўллаш бўйича маълумотни сақловчи ушбу йўриқномани сақлаб қўйинг, чунки кейинчалик Сизда уни яна бир бор ўқиб чиқишга зарурат туғилиши мумкин. Илтимос, хар қандай қўшимча маълумот ёки маслахатни олиш учун шифокорингизга ёки фармацевтингизга мурожаат қилинг. Сизнинг шифокорингиз ушбу дори воситасини шахсан Сизга тайинлаган. Уни Сиз бошқа шахсларга бериб юборманг. Препарат ҳаттоки уларнинг касаллик симптомлари Сизники билан ўхшаш бўлса ҳам уларга зиён етказиши мумкин.

Препаратнинг савдо номи: Флуаск
Таъсир этувчи модда (ХПН): флуконазол
Дори шакли: капсулалар
Таркиби:
битта капсула қуйидагиларни сақлайди:
- *фаол модда:* флуконазол - 50 мг, 100 мг, 150 мг;
- *ёрдамчи моддалар:* сутли қанд, микрокристалл целлюлоза, магний стеарати, картошка крахмали, натрий крахмал гликоляти.
Таърифи: тиниқ бўлмаган, №2-ўлчамли, қаттиқ, оқ желатинли капсулалар.
Капсула ичидагиси– оқ ёки деярли оқ рангли кукун.
Фармакотерапевтик гуруҳи: замбуруғларга қарши препаратлар
АТХ коди: J02AC01

Фармакологик хусусиятлари
Фармакодинамикаси
Флуконазол – триазолли замбуруғларга қарши восита бўлиб, замбуруғларнинг ҳужайраларида стероллар ишлаб чиқарилишининг кучли селектив ингибитори хисобланади.
Флуконазол *in vitro* шароитида ва клиник инфекцияларда қуйидаги микроорганизмларнинг кўпчилигига нисбатан фаоллик намойиш қилган: *Candida albicans*, *Candida glabrata* (кўпчилик штаммари ўртача сезгир), *Candida parapsilosis*, *Candida tropicalis*, *Cryptococcus neoformans*.
Қуйидаги микроорганизмлар: *Candida dubliniensis*, *Candida guilliermondii*, *Candida kefyr*, *Candida lusitaniae* га нисбатан флуконазолнинг in vitro фаоллиги кўрсатилган, лекин бунинг клиник аҳамияти номаълум.
Ичга қабул қилинганда флуконазол ҳайвонлардаги замбуруғли инфекцияларнинг турли моделларида фаоллик намоён қилади. Препаратнинг оппортунистик микозларда фаоллиги намойиш қилинган, шу жумладан *Candida spp.*(шу жумладан иммунитети сусайган ҳайвонлардаги тарқоқ кандидоз), *Cryptococcus neoformans* (шу жумладан бош мия ички инфекциялари), *Micosporum spp*. *Trychophyton spp.*лар чақирган.
Шунингдек ҳайвонларда эндемик микозлар моделларида, шу жумладан иммунитети нормал ва сусайган ҳайвонларда *Blastomyces dermatitidis*, *Coccidioides immitis* (шу жумладан бош суяги ички инфекциялари) ва *Histoplasma capsulatum* чақирган инфекцияларда флуконазолнинг фаоллиги аниқланган.
Флуконазол цитохром P450 га боғлиқ бўлган замбуруғ ферментларига нисбатан юқори спецификликка эга. Суткада 50 мг флуконазол билан 28 кунгача бўлган вақт давомидаги даволаш, эркакларда қон плазмасида тестостероннинг концентрацисига ёки тўғруқ ёшидаги аёлларда стероидларнинг концентрацисига таъсир қилмайди. Флуконазол соғлом кўнгилли эркакларда суткада 200-400 мг дозаларда эндоген стероидларнинг даражасига ва адренокортикотроп гормонни (АКТГ) рағбатлантирилишига уларнинг реакциясига клиник аҳамиятли таъсир кўрсатмайди.
Флуконазолга резистентлик ривожланиш механизми
Флуконазолга резистентлик қуйидаги ҳолларда ривожланиши мумкин: флуконазол учун нишон бўлган ферментнинг (ланостерил 14-α-деметилаза) сифат ва миқдорий ўзгариши, нишонга флуконазолни етишини камайиши ёки бу механизмларнинг комбинацияси.
Фермент-нишонни кодловчи ERG11 генидаги нуқтали мутациялар, нишонни ўзгаришига ва азолларга яқинликнинг пасайишига олиб келади. ERG11 гени экспрессиясининг ошиши фермент-нишоннинг юқори концентрацияларини ишлаб чиқарилишига олиб келади, бу ҳужайрадаги ферментнинг ҳамма молекулаларини сусайтириш учун ҳужайра ички суюқлигида флуконазолнинг концентрациясини оширишга эҳтиёжини ҳосил қилади.
Резистентлик иккинчи аҳамияти механизми препаратларни замбуруғ ҳужайрасидан фаол чиқарилишида (эффлюксда) иштирок этувчи иккита турдаги транспортерларнинг фаоллашиши окибатида флуконазолни ҳужайра ички бўшлиғидан фаол чиқарилишидан иборат. Бундай ташувчиларга MDR генлари (кўп сонли дориларга чидамлилик) томонидан кодланувчи нисбатан асосий ўртакаш модда ва CDR генлари (*Candida* замбуруғларини азолли антимикотикларга резистентлик генлари) томонидан кодланувчи ташувчиларнинг АТФ ни боғловчи кассеталарининг супероилалари киради.
MDR генларининг гиперэкспрессияси флуконазолга нисбатан резистентликка олиб келади, шу вақтнинг ўзида CDR генларининг гиперэкспрессияси турли азолларга нисбатан резистентликка олиб келиши мумкин.
Candida glabrata га нисбатан резистентлик одатда CDR генини гиперэкспрессияси билан боғлиқ бўлиб, бу кўпчилик азолларга нисбатан резистентликка олиб келади. Минимал ингибиция қилувчи концентрация (МИК) оралиқ (16-32 мкг/мл) сифатида белгиланган штаммлар учун флуконазолнинг максимал дозаларини қўллаш тавсия этилади.
Candida krusei га флуконазолга нисбатан тургун замбуруғ сифатида қараш керак. Резистентлик механизми флуконазолнинг ингибиция қилувчи таъсирига фермент-нишоннинг пасайган сезгирлиги билан боғлиқ.
Фармакокинетикаси
Сўрилиши
Флуконазолнинг фармакокинетикаси вена ичига юборилганида ва ичга қабул қилинганида ўхшаш. Ичга қабул қилинганидан кейин флуконазол яхши сўрилади, унинг қон плазмасидаги концентрацияси (ва умумий биокираолиши) вена ичига юборилгандаги шундай кўрсаткичидан 90% юқори. Овқат билан биргаликда қабул қилиш флуконазолнинг сўрилишига таъсир қилмайди. Қон плазмасидаги концентрацияси дозага пропорционал ва максимумига (C_{max}) флуконазол оч қоринга қабул қилинганидан кейин 0,5-1,5 соат ўтгач эришилади, яримчиқарилиш даври эса, тахминан 30 соатни ташкил қилади.
Тақсимланиши
Тўқсон фоизли мувозанатли концентрациясига даволаш бошланганидан кейин 4-5-кунларда эришилади (препаратни суткада бир марта кўп маротаба қабул қилинганида). Капсула қабул қилинганда флуконазолнинг сўлақдаги максимал концентрациясига 4 соат ўтгач эришилади.
Одатдаги суткалик дозадан икки марта юқори зарбли дозани юбориш (1-куни), 2-куни 90% ли мувозанат концентрациясига эришиш имконини беради. Тақсимланиш хажми организмдаги сувнинг умумий миқдорига яқинлашади. Плазма оқсиллари билан боғланиши паст – 11-12% ни ташкил этади.
Флуконазол организмнинг ҳамма суюқликларига яхши киради. Флуконазолнинг сўлак ва балғамдаги концентрацияси унинг қон плазмасидаги концентрасияга ўхшаш. Замбуруғли менингити бўлган беморларда флуконазолнинг орқа мия суюқлигидаги концентрацияси қон плазмасидаги унинг концентрациясидан тахминан 80 фоизини ташкил қилади.
Терининг муғуз қаватида, эпидермисда, дермада ва тер суюқлигида юқори концентрацияларга эришилади, улар зардобдагидан юқори бўлади. Флуконазол терининг шох қаватида тўпланади. Суткада бир марта 50 мг доза қабул қилинганда флуконазолнинг концентрацияси 12 кун ўтгач 73 мкг/г ни, даволаш тўхтатилганидан кейин 7 кун ўтгач эса - фақат 5,8 мкг/г ни ташкил қилади. Ҳафтада бир марта 150 мг доза қўллганганида флуконазолнинг концентрацияси шох қаватда 7-куни 23,4 мкг/г ни, иккинчи доза қабул қилинганидан кейин 7 кун ўтгач эса - 7,1 мкг/г ни ташкил қилади.
Ҳафтада бир марта 150 мг дозада 4 ой қўллагандан кейин тирноқларда флуконазолнинг концентрацияси соғлом тирноқларда 4,05 мкг/г ва шикастланган тирноқларда 1,8 мкг/г ни ташкил қилади; даволаш якунланганидан кейин 6 ой ўтгач, флуконазол тирноқларда олдингидек аниқланади.
Метаболизм ва чиқарилиши
Препарат асосан буйрак орқали чиқарилади; юборилган дозанинг тахминан 80 фоизи ўзгармаган ҳолда сийдикда аниқланади. Флуконазолнинг клиренси креатинин клиренсига пропорционал. Қонда айланиб юрувчи метаболитлари аниқланмаган.
Қон плазмасидан узоқ муддатли яримчиқарилиш даври флуконазолни қин кандидозида бир марта ва бошқа кўрсатмаларда суткада бир марта ёки ҳафтада бир марта қабул қилиш имконини беради.
Болалардаги фармакокинетикаси
Болаларда фармакокинетик параметрларнинг қуйидаги қиймтлари олинган.

Ёш	Доза	Ярим чиқарилиш даври, соат	"Концентрация-вақт" эгри чизиги ости майдони (AUC), мкг/соат/мл
9 ойлик - 13 ёш	Бир марта ичга қабул қилишга 2 мг/кг	25,0	94,7
9 ойлик - 13 ёш	Бир марта ичга қабул қилишга 8 мг/кг	19,5	362,5
Ўртача 7 ёш	Кўп марта ичга қабул қилишга 3 мг/кг	15,5	41,6

Кекса беморлардаги фармакокинетикаси
Флуконазол ичга 50 мг дозада 65 ёш ва ундан катта кекса беморларда бир марта қўлланганда, улардан айримлари бир вақтда диуретиклари қабул қилганлар, C_{max} га қабул қилингандан кейин 1,3 соат ўтгач эришилган ва 1,54 мкг/мл ни, AUC нинг ўртача қиймати – 76,4±20,3 мкг×соат/мл, яримчиқарилишнинг ўртача даври эса - 46,2 соатни ташкил қилган. Бу фармакокинетик кўрсаткичларнинг қийматлари ёш беморлардагига қараганда юқори, бу, эҳтимол, кекса ёшлилар учун хос бўлган буйрак функциясининг пасайиши билан боғлиқдир. Диуретиклари бир вақтда қабул қилиш AUC ва C_{max} ни яққол ўзгаришларини чақирмаган.
Креатинин клиренси (минутига 74 мл), ўзгармаган ҳолда буйраклар орқали чиқарилаётган флуконазолнинг фоизи (0-24 соат, 22%) ва флуконазолнинг буйрак клиренси (минутига 0,124 мл/кг) кекса беморларда ёшлар билан солиштирганда паст бўлган.

Қўлланилиши
- криптококкоз, шу жумладан криптококли менингит ва бошқа соҳаларда жойлашган инфекциялар (масалан, ўпка, тери), шу жумладан нормал иммун жавоби бўлган беморларда, ОИТС га чалинган беморларда, аъзолар кўчириб ўтказилган реципиентларда ва иммун танқислигининг бошқа шакллари мавжуд беморлардаги инфекциялар; ОИТС га чалинган беморларда криптококкознинг қайталанишларини олдини олиш мақсадида ушлаб турувчи даволаш;
- тарқоқ кандидоз, шу жумладан кандидемия, тарқалган кандидоз ва қорин пардаси, эндокард, кўз, нафас ва сийдик йўлларининг инфекциялари каби инвазив кандидоз инфекциясининг бошқа шакллари, шу жумладан жадал даволаш бўлимларида бўлган, цитотоксик ёки иммуносупрессив воситалар қабул қилаётган, шунингдек кандидознинг ривожланишига мойиллиги бошқа омиллари мавжуд беморлардаги инфекциялар;
- шиллиқ қаватларнинг кандидози, шу жумладан оғиз бўшлиғи ва томоқ, қизилўнгач шиллиқ қавати кандидози, ноинвазив бронх-ўпка инфекциялари, кандидурия, терининг шиллиқ қавати ва оғиз бўшлиғининг сурункали атрофик кандидози (тиш протезларини тақиш билан боғлиқ бўлган), шу жумладан иммун функцияси нормал ва сусайган беморларда; ОИТС га чалинган беморларда орофарингеал кандидознинг қайталанишини олдини олиш;
- генитал кандидоз; ўткир ёки қайталанувчи вагинал кандидоз; қин кандидози қайталанишлари учраш сонини камайтириш мақсадида олдини олиш; кандидозни баланит;
- цитотоксик кимёвий даволаш ёки нур билан даволаш натижасида бундай инфекцияларга мойил бўлган хавфли ўсмалари мавжуд беморларда замбуруғли инфекцияларни олдини олиш;
- тери микозлари, шу жумладан оёқ панжалари, тана, чов сохаси микозлари, кепакланувчи темиратки, онихомикоз ва терининг кандидозли инфекциялари;
- иммунитети нормал бўлган беморлардаги чуқур эндемик микозлар, кокцидиоидомикоз, паракокцидиоидомикоз, споротрихоз ва гистоплазмозда қўлланилади.

Тўғри қўллаш ҳақида маълумот
Қўллаш усули ва дозалари
Ҳар доим Флуаскни Сизнинг даволовчи шифокорингиз тавсияларига аниқ қатъий амал қилган ҳолда қўлланг. Агар Сиз нимадандир иккиланганиз, ўзингизнинг шифокорингиз ёки фармацевтингиздан сўранг.
Ичга қабул қилиш учун. Капсулалар бутунлигича ютилади.
Даволашни экиш ва бошқа лаборатор текширишларнинг натижалари олингунча бошлаш мумкин. Лекин бу текширишларнинг натижалари маълум бўлганда замбуруғларга қарши даволашни мувофиқ тарзда ўзгартириш керак.
Беморни препаратни вена ичига юборишдан перорал қабул қилишга ўтказишда ёки аксинча, суткалик дозани ўзгартириш талаб этилмайди.
Флуаск препаратининг суткалик дозаси замбуруғли инфекциянинг хусусияти ва оғирлигига боғлиқ. Вагинал кандидозда кўпчилик ҳолларда препаратни бир марта қабул қилиш самарали. Препаратни такрорий қабул қилишни талаб қилувчи инфекцияларда, даволашни фаол замбуруғли инфекциянинг клиник ёки лаборатор белгилари йўқолгунича давом эттириш керак. ОИТС ва криптококкли менингити ёки қайталанувчи орофарингеал кандидози мавжуд беморларда инфекциянинг қайталанишларини олдини олиш учун одатда ушлаб турувчи даволашни ўтказиш керак.
Катталарда қўлланиши
1. Криптококкли менингит ва бошқа соҳаларда жойлашган криптококкли инфекцияларда биринчи куни одатда 400 мг қўлланади, сўнгра эса даволаш суткада бир марта 200-400 мг дозада давом эттирилади. Криптококкли инфекцияларни даволаш давомийлиги клиник ва микологик самара бўлишига боғлиқ; криптококкли менингитида даволаш одатда энг камида 6-8 ҳафта давом эттирилади. ОИТС чалинган беморлардаги криптококкли менингитнинг қайталанишини олдини олиш учун, бирламчи даволашнинг тўлиқ курси якунланганидан кейин Флуаск препарати бир суткада 200 мг дозада даволашни жуда узоқ муддат давом эттириш мумкин.
2. Кандидемияда, тарқалган кандидоза ва бошқа инвазив кандидозли инфекцияларда доза одатда биринчи куни 400 мг ни, сўнгра суткада 200 мг данни ташкил қилади. Клиник самаранинг яққоллигига қараб, доза суткада 400 мг гача оширилиш мумкин. Даволаш давомийлиги клиник самарадорликка боғлиқ.
3. Орофарингеал кандидозда препарат одатда 5-100 мг дан суткада бир марта 7-14 кун давомида қўлланади. Зарурати бўланда, иммун функцияси яққол сусайган беморларда даволаш узоқроқ вақт давом эттирилиши мумкин. Тиш протезларини тақиш билан боғлиқ бўлган оғиз бўшлиғининг атофик кандидозида препарат одатда 50 мг дозада суткада бир марта 14 кун давомида, протезга ишлов бериш учун махсулий антисептик воситалар билан бирга қўлланади.
Шиллиқ қаватларнинг бошқа кандидози инфекцияларида (генитал кандидоздан ташқари, қийига қаранг), масалан, эзофагитда, ноинвазив бронх-ўпка инфекцияларида, кандидурияда, тери ва шиллиқ қаватларнинг кандидозида ва х.к., самарали доза одатда суткада 50-100 мг ни ташкил қилади, даволаш давомийлиги 14-30 кунга тенг бўлади.
ОИТС га чалинган беморларда орофарингеал кандидози қайталанишларини олдини олиш учун флуконазол билан бирламчи даволашнинг тўлиқ курси якунланганидан кейин, ҳафтада бир марта 150 мг дан қўллаш мумкин.
4. Вагинал кандидозда флуконазол ичга бир марта 150 мг дозада қўлланади.
Вагинал кандидознинг қайталанишлари сонини камайириш учун ҳафтада бир марта 150 мг дозада қўллаш мумкин. Қайталанишга қарши даволаш давомийлиги шахсий равишда белгиланади, ва, одатда, 6 ойни ташкил қилади. Уч ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ва 60 ёшдан катта беморларда бир марталик дозани шифокорнинг кўрсатмасисиз қўллаш тавсия этилмайди.
Candida spp. томонидан чақирилган баланитда флуконазол 150 мг дозада бир марта қўлланади.
5. Хавфли ўсмалари мавжуд беморларда кандидозни олдини олиш учун флуконазолнинг тавсия этилган дозаси замбуруғли инфекцияни ривожланиши хавф даражасига қараб, суткада бир марта 50-400 мг ни ташкил қилади. Тарқоқ инфекциянинг юқори хавфи мавжуд, масалан, яққол ёки узоқ вақт сақланаётган нейтропениси бўлган беморлар учун тавсия этилган доза суткада бир марта 400 мг ни ташкил қилади. Флуконазол қўлланаётган нейтропениясини ривожланишигача бир неча кун қўлланади ва нейтрофиллар сони 1000 мм^3 кўпроққа ошгандан кейин, даволаш яни 7 кун давом эттирилади.
6. Тери инфекцияларида, шу жумладан оёқ панжалари, силлиқ тери, чов соҳаси микозлари ва кандидозли инфекцияларда, тавсия этиладиган доза ҳафтада бир марта 150 мг ёки суткада бир марта 50 мг ни ташкил қилади. Даволаш давомийлиги одатда 2-4 ҳафтани ташкил қилади, лекин оёқ панжаси микозларида давомлироқ (6 ҳафтагача) даволаш талаб қилиниши мумкин.
Кепаксимон темиратким тавсия этиладиган доза 300 мг ни ташкил қилади, ҳафтада бир марта 2 ҳафта давомида; айрим беморларга ҳафтада 300 мг бўлган учинчи доза талаб қилинади, шу вақтнинг ўзида айрим беморлар учун бир марта 300-400 мг қабул қилиш етарли бўлади. Даволашнинг муқобил чизмаси препаратни 2-4 ҳафта давомида 50 мг дан суткада бир марта қўллаш хисобланади.
Онихомикозда тавсия этиладиган доза ҳафтада бир марта 150 мг ни ташкил қилади. Даволашни инфекцияланган тирноқ алмашгунича (инфекцияланмаган тирноқ ўсиб чиққунича) давом эттириш керак. Қўллар ва оёқларда тирноқларни қайта ўсиб чиқиши учун одатда мувофиқ равишда 3-6 ой ва 6-12 ой талаб этилади. Лекин ўсиш тезлиги турли одамларда, шунингдек ёшга қараб кенг чегараларда ўзгариши мумкин.
7. Чуқур эндемик микозларда препаратни суткада 200-400 мг дозада қўллаш талаб этилиши мумкин. Даволаш 2 йилгача давом этиши мумкин. Даволаш давомийлиги шахсий равишда белгиланади; у кокцидиоидомикозда 11-24 ойни, паракоксидиоидомикозда 2-17 ойни, споротрихозда 1-16 ойни ва гистоплазмозда 3-17 ойни ташкил қилади.
Болаларда қўлланиши
Катталардаги ўхшаш инфекцияларда бўлгани каби, даволаш давомийлиги клиник ва микологик самарага боғлиқ. Болалар учун препаратнинг суткалик дозаси катталар учун шундайдан ошмаслиги керак. Флуконазол хар куни суткада бир марта қўлланади.
Шиллиқ қаватлар кандидозида Флуаск препаратининг тавсия этиладиган дозаси суткада 3 мг/кг ни ташкил қилади. Биринчи куни мувозанатли концентрациясига тезроқ эришиш мақсадида 6 мг/кг га тенг зарбли дозани қўллаш мумкин.
Тарқоқ кандидоз ва криптококкли инфекцияни даволаш учун касалликнинг оғирлигига қараб, тавсия этиладиган доза суткада 6-12 мг/кг ни ташкил қилади.
ОИТС га чалинган бемор болаларда криптококкли менингит қайталанишини сусайтириш учун Флуаск препаратининг тавсия этилган дозаси суткада 6 мг/кг ни ташкил қилади.
Инфекциянинг ривожланиш хавфи цитотоксик кимёвий даволаш ёки нурли даволаш натижасида ривожланаётган нейтропения билан боғлиқ бўлган. Иммунитети сусайган беморларда замбуруғли инфекцияларни олдини олиш учун, препарат индукцияланган нейтропениянинг яққоллиги ва сақланиш давомийлигига қараб, суткада 3-12 мг/кг дан қўлланади (катталар учун доза қараланг); буйрак етишмовчилиги мавжуд болалар учун - буйрак етишмовчилиги мавжуд беморлар учун дозага қаралсин).
Флуаск препаратини капсулалар кўринишидаги дори шаклини болаларда тўғри қўллашнинг иложиси бўлмаганида эквивалент дозаларда препаратнинг бошқа дори шаклларига алмаштириш имкониятини кўриб чиқиш керак (ичга қабул қилиш учун суспензия тайёрлаш учун кукун ёки вена ичига юбориш учун эритма).
Кекса беморларда қўлланиши
Буйрак етишмовчилиги белгилари бўлмаганда флуконазол одатдаги дозада қўлланади. Буйрак етишмовчилиги мавжуд беморларда (креатинин клиренси ≤50 мл/дақ) препаратнинг дозасига, қуйида таърифланганидек, тузатиш киритилади.
Буйрак етишмовчилиги мавжуд беморларда қўлланиши
Бир марта қабул қилишда дозага тузатиш киритиш талаб этилмайди. Буйрак функциясининг бузилиши мавжуд беморларларда (шу жумладан болаларда) препарат кўп марта қўлланганида дастлаб 50 мг дан 400 мг гача бўлган зарбли дозани юбориш керак, шундан кейин суткалик доза (кўрсатмаларга қараб) қуйидаги жадвалга мувофиқ белгиланади:

Креатинин клиренси (мл/мин)	Тавсия этилган дозанинг фоизи
> 50	100%
≤ 50 (диализисиз)	50%
Мунтазам диализ	100% хар бир диализдан кейин

Мунтазам диализда бўлган беморлар диализнинг ҳар бир сеансидан кейин тавсия этилган дозанинг 100 фоизини олишлари керак. Диализ қилинадиган куни беморлар препаратнинг камайтирилган (креатинин клиренсига қараб) дозасини олишлари керак.

Ножўя таъсирлари
Ҳар қандай дори воситаси каби, Флуаск ҳам, ҳар бир истеъмолчида кузатилмасада, ножўя таъсирлар чақириши мумкин.
Препарат одатда жуда яхши ўзлаштирилади.
Баъзи ҳолларда қуйидаги ножўя таъсирлар бўлиши мумкин:
- *нерв тизими томонидан:* бош оғриғи, бош айланиши, тиришишлар, таъм сезишнинг ўзгариши, парестезия, уйқусизлик, уйқучанлик, тремор;
- *овқат ҳазм қилиш тизими томонидан:* қоринда оғриқ, диарея, метеоризм, кўнгил айниши, диспепсия, қусиш, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг қуриши;
- *гепатобилиар тизим томонидан:* гепатотоксиклик, айрим ҳолларда ўлим билан якунланувчи; билирубин концентрациясининг ошиши, зардоб трансаминазалари (аланинаминотрансфераза /АлАТ/ ва аспартатаминотрансфераза /АСТ/), ишқорий фосфатаза фаоллигининг ошиши, жигар функциясининг бузилиши, гепатит, гепатоцеллюляр некроз, сариқлик, холестаз, гепатоцеллюляр шикастланиш;
- *тери қопламлари томонидан:* тошма, алопеция, терининг эксфолиатив шикастланишлари, шу жумладан Стивенс-Джонсон синдроми ва токсик эпидермал некролиз, ўткир тарқоқ экзематоз пустулёз, кўп терлаш, дори таъсирида тошма;
- *қон яратиш аъзолари ва лимфатик тизими томонидан:* лейкопения, шу жумладан нейтропения, агранулоцитоз ва тромбоцитопения;
- *иммун тизими томонидан:* анафилаксия (шу жумладан ангионевротик шиш, юзнинг шишиши, эшакеми, қичишиш);
- *юрак қон-томир тизими томонидан:* ЭКГ да QT оралиғининг узайиши ("Махсус кўрсатмалар" бўлимига қаралсин).
- *моддалар алмашинуви томонидан:* қон плазмасида холестерин ва триглицеридларнинг концентрациясининг ошиши, гипокалиемия;
- *таянч-ҳаракат аппарати томонидан:* миалгия;
- *бошқалар:* кучсизлик, астения, кучли толиқиш, иситмалаш, вертиго кузатилиши мумкин.
Айрим беморларда, айниқса ОИТС ёки саратон каби жиддий касалликлари мавжуд бўлганларда флуконазол ва унга ўхшаш препаратлар билан даволашда қон, буйрак ва жигар кўрсаткичларини ўзгаришлари кузатилган ("Махсус кўрсатмалар" бўлимига қаралсин). Лекин бу ўзгаришларнинг клиник аҳамияти ва уларни даволаш билан боғлиқлиги аниқланмаган.
Агар Сизда ушбу йўриқномада таърифланмаган ҳар қандай бошқа ножўя таъсирлар қайд этилса, илтимос, Ўзингизнинг шифокорингиз, фармацевтингиз ёки ишлаб чиқарувчига хабар беринг.

Дори воситасини қўллашни бошлашдан олдин зарур бўлган маълумот
Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар
Флуаск қуйидаги ҳолатларда қўлланилмасин:
- флуконазолга, препаратнинг бошқа таркибий қисмларига ёки тузилиши бўйича флуконазолга ўхшаш азолли моддаларга юқори сезувчанлик;
- флуконазол суткада 400 мг ва кўпроқ дозада кўп марта қўллаш вақтида терфенадинни бир вақтда қабул қилиш ("Дориларнингўзаро таъсири" бўлимига қаралсин);
- цизаприд, астемизол, эритромицин, пимозид ва хинидин каби QT оралиғини оширувчи ва CYP3A4 изоферменти ёрдамида метаболизмга учрайдиган препаратлар билан бир вақтда қўллаш ("Дориларнинг ўзаро таъсири" бўлимига қаралсин);
- глюкозани ўзлаштиролмаслик, лактаза етишмовчилиги ва глюкоза/галактоза сўрилишининг бузилиши;
- 3 ёшгача бўлган болалар (ушбу дори шакли учун) да қўллаш мумкин эмас.
Эҳтиёткорлик билан
- жигар функцияси кўрсаткичларининг бузилиши;
- буйраклар функциясининг бузилиши;
- юза жойлашган замбуруғли инфекция ва инвазив/тизимли замбуруғли инфекциялари мавжуд беморларда флуконазолни қўллаш фонида тошманинг пайдо бўлиши;
- терфенадин ва флуконазолни суткада 400 мг дан камроқ дозада бир вақтда қўллаш;
- кўп сонли хавф омиллари мавжуд беморлардаги потенциал проаритмик ҳолатлар да эхтиёткорлик билан қўлланилади (юракнинг органик касалликлари, электролит балансини бузилишлари ва бундай бузилишларни ривожланишига ёрдам берувчи ёндош даволаш).

Дориларнинг ўзаро таъсири
Агар Сиз бошқа дори воситаларини ичаётган бўлсангиз ёки бироз олдин ичган бўлсангиз, улар рецептсиз бериладиган бўлса ҳам, илтимос, Ўзингизнинг шифокорингиз ёки фармацевтингизга хабар беринг.
Флуконазолни 50 мг дозада бир марта ёки кўп марта қабул қилиш, феназон (Антипирин) нинг метаболизмига, улар бир вақтда қабул қилинганида, таъсир қилмайди.
Флуконазолни қуйидаги препаратлар билан бир вақтда қўллаш мумкин эмас:
Цизаприд: флуконазол ва цизаприд бир вақтда қўлланганида юрак томонидан нохуш реакциялар, шу жумладан, "пируэт" туридаги (torsade de pointes) тахисистолик қоринча аритмияси кузатилиши мумкин. Флуконазолни 200 мг дозада суткада 1 марта ва цизапридни 20 мг дозада суткада 4 марта қўллаш, цизаприднинг плазмадаги концентрациясини яққол ошишига ва ЭКГ да QT оралиғининг ошишига олиб келади. Цизаприд ва флуконазолни бир вақтда қабул қилиш мумкин эмас.
Терфенадин: азол гуруҳи замбуруғларга қарши воситалар ва терфенадин бир вақтда қўлланганда, QT оралиғининг ошиши натижасида жиддий аритмиялар пайдо бўлиши мумкин. Флуконазол суткада 200 мг дозада қабул қилинганда QT оралиғининг ошиши аниқланмаган, лекин, флуконазолни суткада 400 мг ва ундан юқори дозада қўллаш, қон плазмасида терфенадин концентрациясининг аҳамияти ошишини чақиради. Флуконазолни суткада 400 мг ва ундан юқори дозаларда терфенадин билан бир вақтда қабул қилиш мумкин эмас ("Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар" бўлимига қаралсин). Суткада 400 мг дан камроқ дозалардаги флуконазол ва терфенадин билан бирга даволашни жиддий назорат остида ўтказиш керак.
Астемизол: флуконазолни астемизол ёки метаболизми цитохром P450 тизими томонидан амалга ошириладиган бошқа препаратлар билан бир вақтда қўллаш, бу воситаларнинг зардобдаги концентрацияларини ошиши билан бирга кечиши мумкин. Қон плазмасида астемизолнинг концентрациясини ошиши QT оралиғининг чўзилишига ва айрим ҳолларда "пируэт" туридаги (torsade de pointes) тахисистолик қоринча аритмияси ривожланишига олиб келиши мумкин. Астемизол ва флуконазолни бир вақтда қўллаш мумкин эмас.
Пимозид: мувофиқ *in vitro* ёки *in vivo* тадқиқотлар ўтказилмаганлигига қарамай, флуконазол ва пимозидни бир вақтда қўллаш, пимозиднинг метаболизмини сусайишига олиб келиши мумкин. Ўз навбатида пимозиднинг плазмадаги концентрациясини ошиши QT оралиғининг узайиши ва айрим ҳолларда "пируэт" туридаги (torsade de pointes) тахисистолик қоринча аритмиясининг ривожланишига олиб келиши мумкин. Пимозид ва флуконазолни бир вақтда қўллаш мумкин эмас.
Хинидин: мувофиқ *in vitro* ёки *in vivo* тадқиқотлар ўтказилмаганлигига қарамай, флуконазол ва хинидинни бир вақтда қўллаш ҳам хинидиннинг метаболизмини сусайишига олиб келиши мумкин. Хинидинни қўллаш QT оралиғининг узайиши ва айрим ҳолларда "пируэт" туридаги (torsade de pointes) тахисистолик қоринча аритмясини ривожланиши билан боғлиқ. Хинидин ва флуконазолни бир вақтда қўллаш мумкин эмас.
Эритромицин: флуконазол ва эритромицинни бир вақтда қўллаш потенциал кардиотоксикликни (QT оралиғининг узайиши) *torsade de pointes*) ривожланишига ва бунинг окибатида, тўсатдан юрак тўхтаб, ўлимга олиб келиши мумкин.
Қуйидаги препаратлар ва флуконазолни бир вақтда қўллашда эҳтиёткорликка риоя қилиш ва, эҳтимол, дозага тузатиш киритиш керак.
Флуконазол таъсир этувчи препаратлар
Гидрохлортиазид: флуконазол билан гидрохлортиазидни бир вақтда кўп марта қўллаш, қон плазмасида флуконазолнинг концентрациясини 40% га ошишига олиб келади. Бу даражада ифодаланган самара бир вақтда диуретикларни қабул қилаётган беморларда флуконазолнинг дозалаш тартибини ўзгартириши талаб қилмайди, лекин шифокор буни ҳисобга олиши керак.
Рифампицин: флуконазол ва рифампицинни бир вақтда қўллаш, флуконазолнинг AUC ни 25% га пасайишига ва яримчиқарилиш даври давомийлигини 20% га пасайишига олиб келади. Бир вақтда рифампицин қабул қилаётган беморларда, флуконазолнинг дозасини ошириш мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олиш керак.
Флуконазол таъсири остида бўладиган препаратлар:
Флуконазол цитохром P450 нинг CYP2C9 ва CYP2C19 изоферментининг кучли ингибитори ва CYP3A4 изоферментининг ўртача ингибитори хисобланади. Бундан ташқари, кейинчалик қуйида санаб ўтилган самаралардан ташқари, флуконазол билан бир вақтда қабул қилинганда CYP2C9, CYP2C19 ва CYP3A4 изоферментлари томонидан метаболизмга учрайдиган бошқа дори воситаларнинг қон плазмасидаги концентрациясининг ошиши хавфи бор. Шунинг учун, санаб ўтилган препаратлар бир вақтда қўлланганда эҳтиёткорликка риоя қилиш керак, бундай комбинацияларнинг зарурати туғилганида эса, беморлар синчковлик билан олиб бориладиган тиббий кузатув остида бўлишлари керак. Узоқ муддатли ярим чиқарилиш даври туфайли препарат бекор қилинганидан кейин 4-5 кун давомида флуконазолнинг ингибиция қилувчи самараси сақланиб қолишини ҳисобга олиш керак.
Алфентанил: алфентанилнинг клиренсини ва тақсимланиш ҳажмининг камайиши, яримчиқарилиш даврининг ошиши кузатилади. Эҳтимол, бу флуконазолни CYP3A4 изоферментини ингибиция қилиши билан боғлиқдир. Алфентанилнинг дозасига тузатиш киритиш талаб қилиниши мумкин.
Амитриптилин, нортриптилин: самаранинг ошиши. Беш-нортриптилин ва/ёки S-амитриптилин концентрациясини, флуконазол билан мажмуавий даволашни бошида ва даволаш бошланганидан кейин бир ҳафта ўтгач ўлчаш мумкин. Зарурати бўланда амитриптилин/нортриптилиннинг дозасига тузатиш киритиш керак.
Амфотерицин В: сичконларда ўтказилган (шу жумладан, иммуносупрессияли сичконларда) тадқиқотларда қуйидаги натижалар аниқланган: *C. albicans* чақирган тизимли инфекцияда катта бўлмаган аддитив замбуруғларга қарши самара, *Cryptocjccus neoformans* чақирган бош суяги ички инфекцияда ўзаро таъсирнинг йўқлиги ва *A. fumigatus* чақирган тизимли инфекцияда антагонизм кузатилган. Ушбу натижаларнинг клиник аҳамияти номаълум.
Антикоагулянтлар: бошқа замбуруғларга қарши парепаратлар (азол ҳосилалари) каби флуконазол ҳам варфарин билан бир вақтда қўлланганда, протромбин вақтини оширади (12% га), шу туфайли қон кетиши (гематомалар, бурундан ва меъда-ичак йўлидан қон кетиши, гематория, мелена) ривожланиши мумкин. Кумарин антикоагулянтлари ва флуконазолни қабул қилаётган беморларда протромбин вақтини, даволаш даврида доимо ва бир вақтда қўлланганидан кейин 8 кун давомида назорат қилиш керак. Шунингдек варфарининг дозасига тузатиш киритиш мақсадга мувофиқлигини баҳолаш керак.
Азитромицин: флуконазол 800 мг бир марталик дозада ва азитромицин 1200 мг бир марталик дозада ичга бир вақтда қўлланганда, иккала препаратлар орасида яққол фармакокинетик ўзаро таъсир аниқланмаган.
Бензодиазепинлар (қисқа таъсирли): мидазолам

ФЛУАСК

Противогрибковое средство

ИНСТРУКЦИЯ ПО МЕДИЦИНСКОМУ ПРИМЕНЕНИЮ

«УТВЕРЖДЕНО»
ГУП "Государственный центр экспертизы и стандартизации лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники" Агентства по развитию фармацевтической отрасли при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан

Просим Вас внимательно прочесть данную инструкцию до того, как Вы начнете принимать лекарство. Она содержит важную для Вас информацию. Сохраните эту инструкцию с информацией по применению, так как позднее Вам может потребоваться прочитать её еще раз. Для получения любой дополнительной информации или совета, пожалуйста, обратитесь к Вашему врачу или фармацевту. Ваш врач выписал данный лекарственный препарат Вам лично. Вы не должны передавать его другим лицам. Он может навредить им, даже если симптомы их заболевания схожи с Вашими.

Торговое название препарата: Флуаск
Действующее вещество (МНН): флуконазол
Лекарственная форма: капсулы
Состав:
одна капсула содержит:
- *активное вещество:* флуконазол - 50 мг, 100 мг, 150 мг;
- *вспомогательные вещества:* сахар молочный, микрокристаллическая целлюлоза, магния стеарат, крахмал картофельный, натрия крахмала гликолят.
Описание: твердые желатиновые, непрозрачные, белые капсулы №2.
Содержимое капсул – порошок белого или почти белого цвета.
Фармакотерапевтическая группа: противогрибковые препараты
Код АТХ: J02AC01

Фармакологические свойства
Фармакодинамика
Флуконазол – триазольное противогрибковое средство, является мощным селективным ингибитором синтеза стеролов в клетке грибов.
Флуконазол продемонстрировал активность *in vitro* и в клинических инфекциях в отношении большинства следующих микроорганизмов: *Candida albicans*, *Candida glabrata* (многие штаммы умеренно чувствительны), *Candida parapsilosis*, *Candida tropicalis*, *Cryptococcus neoformans*.
Была показана активность флуконазола *in vitro* в отношении следующих микроорганизмов, однако клиническое значение этого неизвестно: *Candida dubliniensis*, *Candida guilliermondii*, *Candida kefyr*, *Candida lusitaniae*.
При приеме внутрь флуконазол проявляет активность на различных моделях грибковых инфекций у животных. Продемонстрирована активность препарата при оппортунистических микозах, в том числе вызванных *Candida spp*. (включая генерализованный кандидоз у животных с подавленным иммунитетом), Cryptococcus neoformans (включая внутричерепные инфекции), *Microsporum spp.* и *Trychophyton spp.* Установлена также активность флуконазола на моделях эндемических микозов у животных, включая инфекции, вызванные *Blastomyces dermatitidis*, *Coccidioides immitis* (включая внутричерепные инфекции) и *Histoplasma capsulatum* у животных с нормальным и подавленным иммунитетом.
Флуконазол обладает высокой специфичностью в отношении грибковых ферментов, зависимых от цитохрома P450. Терапия флуконазолом в дозе 50 мг/сут в течение до 28 дней не влияет на концентрацию тестостерона в плазме крови у мужчин или концентрацию стероидов у женщин детородного возраста. Флуконазол в дозе 200-400 мг/сут не оказывает клинически значимого влияния на уровни эндогенных стероидов и их реакцию на стимуляцию адренокортикотропного гормона (АКТГ) у здоровых мужчин-добровольцев.
Механизмы развития резистентности к флуконазолу
Резистентность к флуконазолу может развиться в следующих случаях: качественное или количественное изменение фермента, являющегося мишенью для флуконазола (ланостерил 14-α-деметилазы), уменьшение доступа к мишени флуконазола или комбинация этих механизмов.
Точечные мутации в гене ERG11, кодирующем фермент-мишень, приводят к видоизменению мишени и снижению аффинности к азолам. Увеличение экспрессии гена ERG11 приводит к продукции высоких концентраций фермента-мишени, что создает потребность в увеличении концентрации флуконазола во внутриклеточной жидкости для подавления всех молекул фермента в клетке.
Второй значительный механизм резистентности заключается в активном выведении флуконазола из внутриклеточного пространства посредством активации двух типов транспортеров, участвующих в активном выведении (эффлюксе) препаратов из грибковой клетки. К таким транспортерам относится главный посредник, кодируемый генами MDR (множественной лекарственной устойчивости), и суперсемейство АТФ-связывающей кассеты транспортеров, кодируемое генами CDR (генами резистентности грибов *Candida* к азоловым антимикотикам).
Гиперэкспрессия гена MDR приводит к резистентности к флуконазолу, в то же время гиперэкспрессия генов CDR может приводить к резистентности к различным азолам.
Резистентность к *Candida glabrata* обычно опосредована гиперэкспрессией гена CDR, что приводит к резистентности ко многим азолам. Для тех штаммов, у которых минимальная ингибирующая концентрация (МИК) определяется как промежуточная (16-32 мкг/мл) рекомендуется применять максимальные дозы флуконазола.
Candida krusei следует рассматривать как резистентную к флуконазолу. Механизм резистентности связан со сниженной чувствительностью фермента-мишени к ингибирующему воздействию флуконазола.
Фармакокинетика
Всасывание
Фармакокинетика флуконазола сходна при внутривенном введении и приеме внутрь. После приема внутрь флуконазол хорошо всасывается, его концентрация в плазме крови (и общая биодоступность) превышают 90% от таковых при внутривенном введении. Одновременный прием пищи не влияет на всасывание флуконазола. Концентрация в плазме крови пропорциональна дозе и достигает максимума (C_{max}) через 0,5-1,5 ч после приема флуконазола на тощак, а период полувыведения составляет около 30 ч.
Распределение
Девяносто процентов равновесной концентрации достигаются к 4-5-му дню после начала терапии (при многократном приеме препарата один раз в сутки). Максимальная концентрация флуконазола в слюне при приеме капсулы достигается через 4 часа.
Введение ударной дозы (в 1-й день), в два раза превышающей обычную суточную дозу, делает возможным достижение 90% равновесной концентрации ко 2-му дню. Объем распределения приближается к общему содержанию воды в организме. Связывание с белками плазмы крови – низкое (11-12%).
Флуконазол хорошо проникает во все жидкости организма. Концентрации флуконазола в слюне и мокроте сходны с его концентрациями в плазме крови. У больных грибковым менингитом концентрации флуконазола в спинномозговой жидкости составляют около 80% от его концентраций в плазме крови.
